

Инсон ва қонун

2021 йил 16 ноябрь
сешанба
№ 46 (1302)

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz

ТАБИАТГА
МУНОСАБАТИМИЗ ШУМИ? 3-БЕТ

СОЛИҚЧИЛАР ТАДБИРКОРГА
ҚАЧОН ЁН БОСАДИ? 4-БЕТ

БАХТСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ
ҚИЛАДИГАН ОРДЕР БОРМИ? 5-БЕТ

18 ноябрь — “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
Қонун қабул қилинган кун



ЮРТ БАЙРОҒИ —
МИЛЛАТ ҒУРУРИ!

1991 йилнинг 18 ноябри “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган сана сифатида тарихимизга муҳрланди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатиш, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилиниши қонун билан муҳофаза қилинади.

2-БЕТ

Адлия вазирини **Русланбек ДАВЛЕТОВ** билан давлат бошқаруви, ҳуқуқий соҳа ва давлат хизматлари борасидаги масалалар бўйича ташкил этилган аудио подкастдан иқтибос:

“Битта масала — битта идора” тамойилини амалга ошириш керак. Яъни, фуқаро идорага мурожаат қилганида идора шундай функцияларга эга бўлиши керакки, токи бир ўзи фуқаронинг масаласини тўлиқ ҳал қила олсин.



БЕЛАРУСЬ
тажрибаси ўрганилди



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази делегацияси Беларусь Республикаси Ҳуқуқий ахборот миллий маркази фаолияти ва илғор тажрибаси билан яқиндан танишиш мақсадида Беларусь Республикасида бўлиб қайтди.

Беларусь Республикасида 10 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Аҳолини зарур ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш айнан Беларусь Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот миллий марказининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

8-БЕТ

1991 йилнинг 18 ноябри “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган сана сифатида тарихимизга муҳрланди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатиш, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилиниши қонун билан муҳофаза қилинади. Шу боис, давлат рамзлари қонунда белгилаб қўйилган вақтда ва жойда ўрнатилиши, кўтарилиши, ижро этилиши ва бу жараёнга хос жиҳатларни эътиборга олиш жуда муҳим ҳисобланади. Аслида юрт байроғини ардоқлаш Ватанни севиш, унинг учун жонни фидо қилишга тайёр бўлиш, демакдир. Ватан ҳимоясига чоғланган йигитларимиз, энг аввало, байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзига суртиб, содиқликка қасамд қилиши ҳам бежизга эмас.

ЮРТ БАЙРОҒИ — МИЛЛАТ ГУРУРИ!



Мағрур ҳилпираётган байроғимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-ободлик, миллатлараро тотувлик, кут-барака, эришаётган ютуқлар ва келажакка бўлган мустақкам ишонч рамзи сифатида қалбимизга туганмас ифтихор бағишлайди. Бугун БМТ пештоқида кўп сонли суверен мамлакатлар қаторида Ўзбекистон байроғи ҳам бўйма-буй, қадма-қад туриб, ўзини намоян этаяпти.

Ватанимизнинг давлат рамзлари халқимизнинг бой тарихи, ота-боболаримизнинг эзгу орзу-умидлари ва ёруғ келажакка бўлган интилишини ўзида мужассам этган, шу азиз юртда яшовчи ҳар бир фуқарога гурур, ифтихор туйғусини бағишлайдиган муҳим воситадир.

Миллий давлатчилигимиз тарихида байроқ алоҳида ўрин тутган. Бизнинг ҳудудимизда байроқлар жуда қадим замонларда пайдо бўлгани кўллаб манбаларда, хусусан, қадимги адабий ёдгорликларда, тасвирий санъат асарларида ўз ифодасини топган.

Агар тарихга назар ташласак, байроқ — инсоният тарихини акс эттирадиган ўзига хос рамзидир. Чуночки, дастлабки байроқлар олис ўтмиш қаърида, эрамаздан аввалги III-II минг йилликда пайдо бўлиб, улар қабилаларни бир-биридан фарқлаб кўрсатувчи белги сифатида қўлланилган. Кейинчалик улар ҳукмдорлар, лашкарбониларнинг ҳукмронлигини билдирадиган рамзга айланган. Чуночки, оқ байроқ кўтарилиши, тинчлик ва барқарорлигини аниқлата, қора байроқ эса, босқинчилик, урушни аниқлатган. Ҳозирги пайтда эса байроқлар давлат мустақиллиги рамзи саналиб, унда мамлакатнинг миллий ўзига хослиги, тарихи акс этади.

Бизнинг ҳудудимизда ҳам байроқлар жуда қадим замондан пайдо бўлган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида темирчи Кова коржомаси этагини байроқ қилиб кўтариб, халқни золим шох, одамхўр Захокка қарши кўзғолонга бошлагани ҳикоя қилинади.

Алишер Навоийнинг “Саъди Искандарий” дostonида Искандар кўшини “байроқлар остида” Доро лашкарига қарши жанг олиб боргани келтирилган. Амир Темур давлатида байроқ давлатнинг мустақкам ва қудратли эканлигини ифода этган. Ундаги уч доира ҳам ўз маъносига эга бўлган. Кейинчалик Захриддин Муҳаммад Бобур байроқларида эса, ўзига хослик бошқа байроқлардан кенглиги, энли матодан қалинлиги, ҳажм жиҳатдан катталиги билан ажралиб турган. Эътиборли жиҳати, давлатчилик тарихида байроқ аждодларимиз учун овозлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида давлат туғи адолат, буюк куч-қудрат рамзи ҳисобланган. Жангу жадалларда юксак мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг кучли баҳодирларга ҳада қилинган. Бобомиз Нажиддин Кубро ёв кўлида шаҳид бўлса-да, чанғалида маҳкам тутган яловни ҳеч ким ололмаган.

Дунёда давлатлар, миллатлар, элатлар, халқлар, кўп. Лекин Ўзбекистон битта. Унинг байроғи ҳам ягона. Ана шу байроқ остида Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида эзгу мақсадлар сари олға бораверамиз.

Шокир САИДОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

ҲАММАСИ ХАЙРЛИ

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашидаги мавжуд бунга ёрқин мисол. Бу ташкилот 2009 йилда тузилган. Ўзбекистон унга 2019 йилда қўшилган. Кенгашнинг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш, савдо-иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш бўйича савб-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг Туркий кенгаш мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортганлиги, қўшма корхона ва лойиҳалар сони 4 мингга яқинлашгани, тили бир, дини бир, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган бу ташкилот минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бораётганлигидан далолат.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши мамлакатлар ўртасидаги транзит-транспорт коммуникациялари ривожига ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, 2019 йил июль ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида халқаро аҳамиятга эга бўлган “Бейнау — Ажжигит — Ўзбекистон чегараси” автомобиль йўли очилди. Бу ўзбек маҳсулотларининг Озарбайжон ва Туркия бозорларига чиқиши учун янада қисқа йўл очди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари бу ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитди. Қисқа даврда Юртбошимиз томонидан 20 дан ортиқ тақлифлар илгари сурилгани ва амалга оширилгани бунинг яққол исботидир.

Президентимиз алоҳида эътибор қаратиб келаятган транспорт ва божхона соҳасида тартиб-таомиллар рақамлаштирилмоқда. Масалан, мамлакатимизда Туркия ва Қозоғистон билан бошланғич лойиҳалар анга туширилди. Тошкент, Андижон ва Термиздаги логистика марказларимиз Туркий Кенгаш доирасидаги “Биродар портлар” тизимида қўшилди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясини бўйича билдирган тақлифлар ҳам долзарблигини кўрсатди. Кенгашга аъзо мамлакатлар доирасида ушбу касалликка қарши курашиш бўйича махсус мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилди. Эпидемиологик вазиятни кузатиш, таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш бўйича доимий фаолият юритадиган тизим йўлга қўйилди.

Шавкат Мирзиёев шерик давлатлар миқёсида туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йил июнда Қўқон шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туризм вазирлари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қўқон туркий дунёнинг илк туризм пойтахти, деб эълон қилинди. Мамлакатларимиздаги муқаддас қадимжолар бўйлаб “Табаррук зибрат” лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мусо ал-Хоразмий меросига бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилди. Барча туркий халқлар учун ардоқли бўлган шоир — Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилиши Президентимизнинг яна бир хайрли ташаббуси бўлди. Бу мукофот билан туркий давлатларда илм-фан, таълим, маданият ва

ЎЗБЕКИСТОН Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини, ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни тобора кенгайтирмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг туркий дунёдаги ўрни аҳамиятга молик.

ТУРКИЙ ДУНЁ: муштарак қадриятлар абадийлиги



санъат соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган шахслар тақдирланади.

АЗАЛЛИЙ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қадар ҳам Туркий тилли давлатлар раҳбарлари саммити мавжуд бўлиб, унинг илк саммити 1992 йил 30 октябрда Туркия Президенти Турғун Ўзол ташаббуси билан Анқарада ўтказилган. Ҳозирда Кенгаш шафелигида 1993 йил 12 июлда таъсис этилган ва қароргоҳи Анқарада жойлашган Турк маданияти халқаро ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, парламентларо алоқаларни мустақкамлаш мақсадида 2008 йил 21 ноябрда Туркий тилли давлатлар парламент Ассамблеяси ташкил этилди ва унинг қароргоҳи Боку шаҳрида фаолият кўрсатмоқда.

Турк дунёсини тадқиқ этиш, тил ва адабиётини кенг ўрганиш, илмий ва таълим фаолиятини чуқурлаштириш бўйича халқаро илмий марказ, яъни Халқаро турк академиясини Нур-Султан шаҳрида Қозоғистоннинг биринчи Президенти — Элбоши Н.Назарбаев ташаббуси билан 2010 йил 25 майда иш бошлади. Академия қирққа яқин илмий-тадқиқот институтилари, тарих ва маданият марказлари билан яқин алоқалар ўрнатган бўлиб, юздан ортиқ туркунол олимлар лойиҳаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Бундан ташқари, Озарбайжонда 2012 йил 23 августдан бошлаб, маданий тарбиёт, маънавий юксалишга қаратилган лойиҳаларни илгари суриш, тарихий меросни ўрганиш мақсадида Турк маданияти ва мероси жамғармаси ҳам иш олиб бормоқда. Жамғарма туркий тилли халқларнинг турли фестивалларини, анъанавий унармандачилиги, худудлардаги амалий санъатни кўллаб-қувватлашни молиялаштиради, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилади. 2019 йил 19 сентябрда эса Будапештда Туркий Кенгаш ваколатхонаси очилди. Яқин истиқболда Инве-

стиция жамғармаси ва Тараққиёт банкнинг тузилиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

Президентимизнинг кўши ва қардош давлатлар ва қатор минтақавий ташкилотлар билан очик ва конструктив ҳамкорлик алоқаларини мустақкамлашга қаратилган оқилона ташқи сиёсати Туркий Кенгаш доирасидаги алоқаларнинг ҳам ўрнатилишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилдаги Туркий Кенгаш саммитида иштирок этиб, Туркий Кенгаш номининг “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгартрилиши ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустақкам замин яратилиши алоҳида таъкидлади. Президентимиз кенгаш давлатларининг ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга чақирди. Шу муносабат билан Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш; Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурини ишлаб чиқиш; давлатлардаги икти-сослашган ташкилотлар негизида “Инжиниринг ва технологиялар марказлари”ни ташкил этиш; келгуси йили Ўзбекистонда “Туркий давлатлар саноат ҳафталиги”ни ўтказиш; Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот марказини ташкил этиш; 2022 йилни туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини кўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиш; рақамлаштириш, экология, маданият ва ёшлар масалалари борасида ҳам муҳим ташаббусларни илгари сурди. Бу янги тақлифлар ва муҳим ташаббуслар Ўзбекистоннинг янги имкониятларини жаҳон майдонида намоян этиши шубҳасиз.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори

Жумладан, Қашқадарё вилоятида туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан турли ташкилот ва идораларда ходимларнинг ойлик иш ҳақи ўз вақтида ёки тўлиқ берилмаётганлиги, иш ҳақидан ноқонуний ушлаб қолинаётганлиги, нотўғри ҳисобланаётганлиги, шунингдек бошқа меҳнат муносабатлари бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан акция ташкил этилди. Натижада, 191 нафар ходим ойлик иш ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ ололмаётганлиги аниқланди. 19 нафар ходимга иш ҳақи нотўғри ҳисобланаётганлиги, 4 нафар ходимнинг иш ҳақи нотўғри ушлаб қолинаётганлиги маълум бўлди. 204 та ҳолатда иш берувчи томонидан бошқа меҳнат муносабатлари бузилганлиги аниқланди.

Хусусан, Миришкор туман адлия бўлими томонидан 2021 йил 21 апрель куни фуқаро Қ.Х.нинг туғруқ таътилига кетгандан сўнг қайта ишга олинмаётганлигидан норозилиги тўғрисидаги мурожаати ўрганилган. Ходимнинг муаммоси ижобий ҳал этилиб, иш жойи тикланди. Миришкор туман тиббиёт бирлашмасида ишлаб келган 7 нафар ходимнинг аризаси қаноатлантирилиб, 31 миллион сўмдан ортиқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили бўйича нафақа пуллари ундириб берилди.

Яккабоғ туман адлия бўлимининг аралашуви билан фуқаро С.И. аввалги ишига қайтди. Нишон туман адлия бўлими томонидан фуқаро З.У. манфаатини кўзлаб судга киритилган даъво аризаси қаноатлантирилди. Фуқаро фойдасига мажбурий прогул кунлари учун 2 миллион 700 минг сўм пул маблағи ҳамда 16 миллион сўм маънавий зарар суммаси ундирилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА олиб борилаётган ислохотлар замирида биринчи навбатда фуқаролар ҳаётидаги муаммоларни ўрганиб, ҳал қилишда амалий ёрдам бериш орқали уларни рози қилиш мужжасам. Ҳар бир соҳа вакили буни ҳис қилиши, виждонан ишлаши давр талаби бўлиб қолмоқда.

НОРОЗИЛИК МУРОЖААТЛАРИ КЎПРОҚ ҚАЙСИ СОҲАГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА?



Қамаши туман адлия бўлими томонидан "Тоза ҳудуд" ДУК туман филиали ходимларининг норозилик мурожаати ўрганилди. Мазкур масала бўйича судга даъво аризаси киритилиб, қорхона томонидан ходимларга ўз вақтида тўланмаган 22 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақлари ундириб берилди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, вилоят автомобиль йўллари бошқармаси ҳузуридаги ташкилотларда фаолият юритаётган ходимларга 550

миллион сўмдан ортиқ иш ҳақлари тўланмаганлиги аниқланди. Адлия ходимлари аралашуви билан ходимларнинг иш ҳақлари қонуний тартибда тўлаб берилди.

Шу йил май-июнь ойларида вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича онлайн мурожаатларни қабул қилиш ҳамда ҳал этиш юзасидан акция ташкил этилди. Натижада шу туманда яшовчи фуқаро томонидан йўлланган онлайн мурожаат асосида Қарши туман

адлия бўлими томонидан туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилиб, айбдорга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Шунингдек, ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига нафақа билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар бўйича тушунтиришлар берилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Қарши туман адлия бўлими томонидан фуқаро У.Р.нинг манфаатини кўзлаб Қарши

туманлараро маъмурий судига ариза киритилди. Суд томонидан ариза тўлиқ қаноатлантирилиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимининг қарори бекор қилинди. Натижада фуқаронинг Қасби туманидаги "Кебрун" хусусий савдо ишлаб чиқариш қорхонасида ҳамда Қарши шаҳридаги "Нодирбек эъзоз барака" МЧЖда тақсими йўналишида ҳайдовчи бўлиб ишлаган давридаги меҳнат стажини ва иш ҳақлари ногиронлик пенсиясини тайинлашда инобатга олинадиган бўлди.

Ғузур туман адлия бўлими томонидан фуқаро Т.И.нинг аризаси юзасидан Қарши туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилди. Мурожаатчининг муаммоси ижобий ҳал бўлди. Унинг 1983 йил 14 апрелдан 1999 йил 16 октябргача бўлган йилларда ишлаган иш стажлари пенсия тайинлашда ҳисобга олинмиши белгиланди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган акциялар давомида жойларда фуқароларнинг 1000 дан ортиқ мурожаатлари кўриб чиқилди. Шундан 559 таси қаноатлантирилди, 452 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Мурожаатларни ўрганиш давомида 69 та тақдимнома, 95 та даъво аризаси, 5 та маъмурий таклиф ва 853 та огоҳнома тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда киритилди. Натижада фуқаролар фойдасига жами 1 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари ундириб берилишига эришилди.

Ҳасанжон НАСИМОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

БАЪЗИ бир фақат чўнтагини ўйлайдиган одамларга экологик барқарорликнинг қизиғи йўқ, назаримда. Бундайлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиатни асраб-авайлашимиз лозимлигини тушунмайдилар ҳам.

ФОТОФАКТ

ТАБИАТГА МУНОСАБАТИМИЗ ШУМИ?

"Қизил китоб"га киритилган жингил (юлгун) буталарига бутунги кунда айрим ҳудудларда анчагина зиён етказилмоқда. Табиат инъоми бўлган, ўз холича ўсиб, кўпайиб ётган, экологик мувозанатни сақлашга ҳисса қўшаётган жингилзорлар инсоният томонидан катта талофат кўрмоқда!

Чиноз тумани "Оўлмасор" кўрғони ҳудудидаги катта майдонларда жингилзорлар экскаватор ёрдамида сурдириб, текисланган...

Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселекторда "Бутунги ва келгусидаги экологик вазиятни инобатга олиб, дарахт экишни давлат сисбати даражасига кўтарамиз" — деган гаплар айтилди. Икким ўзгаришларни сабабли "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилаётган бир пайтда кишлоқларда нималар бўлмоқда? 2 ноябрдан 10 декабрга-



ча юртимизда дарахт экиш бўйича долзарб 40 кунлик эълон қилинди. Ҳақиқий аҳвол эса, мана бундай! Табиатга муносабатимиз шу!

Халқ тилида "жингил", китобларда "юлгун", "тамарикс" деб аталувчи бу дарахт бута юртимиз ҳудудида табиий ҳолда ўсиб, кўпаяди. Бутасимон кўп йиллик дарахт шўр ерларда ўсишга мослашган. У тупроқдаги ортиқча сизот сувларни камайтириш хусусиятига эга.

Жингил ўсган жойларда атрофдаги ҳудудларга қараганда сизот сув бир неча ўн сантиметрга паст бўлиши олимларимиз томонидан исботланган. Жингил шўр тупроқнинг атрофга тарқалиб кетишининг олдини олса, йўл ёқаларида машиналардан чиқадиган захарли газларни "ютиб", кислородга айлантиради. Дарё бўйларига ҳамда киргоқларни ўпирилиш-

дан муҳофаза қилиб, тупроқни мустаҳкамлаш хусусиятига эга. У кўчма қумларни мустаҳкамлаш учун экилади. Буталари новдасидан турли хил буюмлар тўқиш мумкин, ёғочидан токарликда, ўймакорлик ишларида фойдаланилади. Баҳорда, кузда кийгос гуллаган жингиллардан шифобахш асал ҳам олинади, у бир қанча касалликларга даво.

Халқ табиатида у шифобахш хусусиятлари билан жудаям қадрли. Қайнатмаси сурункали ич кетишида, эскирган балғамни кўчиришда фойда қилади. Барги солиб қайнатилган шарбат билан оғиз чайилса, тиш оғриғида, тишнинг емирилишида фойда қилади. Меваси битиши қийин яраларга сепилади. Кули оловда куйганга сепилса, тузатади. Япроғи тиш оғриғига, шишларга, сурунги кетмаётган яраларга, чечак касалликларига қўйилади.

Жингилзорларни пайҳон қилиш ўрнига бу шифобахш бутадан фармацевтикада, кишлоқ ўзалигида, саноатнинг бошқа соҳаларида унумли фойдаланишимиз керак, деб ўйлайман. Табиий равишда ўзи ўсиб, кўпайиб ётган беозор буталарнинг айби нима? Табиатга озор беришни қачон тўхтатамиз? Дунёда бўлаётган шунча iklim ўзгаришлари, экологик офатлар бизга қамлик қилаётганими?

Шунча фойдали хусусиятлари бўлган табиат инъомига инсоний муносабатда бўлиш наҳот қўлимиздан келмаса?! Айбдорлар қонун олдига жавоб берили керак! Токи, бошқа бундай ўйловсиз иш қилмасин!

Гулнора ОТАЖОНОВА,
Чиноз тумани

МИНГБУЛОҚЛИК Н.Тойлоқова бундан 30 йил аввал фуқаро А.Қодиров билан турмуш қурган. Аммо ҳаёт тақозоси туфайли турли жойларда ижара асосида яшаб келишган. Айрим сабабларга кўра, беш нафар фарзанднинг уч нафари туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасисиз вояга етган.

ЙИГИРМА ЙИЛЛИК МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

Энг ачинарлиси, туғилганлиги қайд этилмаган фарзандлар боғчага ҳам, мактабга ҳам бора олмаган. Қачонки, жорий йилда оиланинг кенжаси Камронбек 17 ёшга киргандagina Н.Тойлоқова бу хусусда Давлат хизматлари агентлигининг Наманган вилоят бошқармасига мурожаат қилган.

Албатта, мазкур мурожаат кўриб чиқилиб, Мингбулоқ туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига юборилди. Шундан сўнг масала ижобий ҳал этилиб, кўп йиллик муаммога ечим топилди. Яъни бир оиланинг 3 нафар аъзоси мuddати ўтган туғилганлик гувоҳномасига эга бўлди.

Тўнғич қиз Зулфина уч йил аввал турмушга чиқкан. Бироқ туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси мавжуд эмаслиги боис фарзанди Ойсанамнинг туғилганлиги ҳам қайд этилмай қолиб кетган. Энди у фуқаролик паспортини олган, турмуш ўртоғи билан қонуний никоҳдан ўтиб, фарзандига ҳам туғилганлик гувоҳномасини олиш имконига эга бўлди. Қодировлар оиласида чинакам байрам. Оила бошининг таъкидлашича, 2021 йилда давлатимиз томонидан уларга жуда кўп ғамхўрлик кўрсатилди. Биринчи галда, давлат хизматлари марказига субсидия ажратиш учун қилган мурожаати масъул идоралар томонидан кўриб чиқилиб, 3 хонали уй берилган бўлса, Норинисо оиланинг йўқолган фуқаролик паспорти тиклаб берилди. Бир вақтнинг ўзида 3 нафар фарзандига туғилганлик гувоҳномасини берилгани эса энг қувончлисига бўлди.

Агар рақамларга назар ташласак, 2021 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида Давлат хизматлари агентлигининг Наманган вилоят бошқармаси туман (шаҳар) ФХДЭ бўлимлари томонидан 116 нафар 16 ёшгача, 15 нафар 16 ёшдан катта бўлган фуқароларга мuddати ўтган гувоҳномалар расмийлаштирилди.

Абдурашид ЮЛДАШЕВ,
ДХА Наманган вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари



**МАРКАЗ ХУЛОСАСИЗИЗ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
ХУЖЖАТЛАР ЮРИДИК
КУЧГА ЭГА ЭМАС**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2021 йил 29 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари-га юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб республикамизнинг барча туман (шаҳар)ларида Адлия вазирлиги тизимида вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида юридик хизмат кўрсатиш марказлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Янги ташкил этилган Мирзо Улуғбек тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази ҳам ташкилотлар билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш мақсадида ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширмоқда.

Авваламбор, ташкилотларнинг масъул ходимларига Президентимизнинг юқорида таъкидланган Қарори мазмун-моҳияти, юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятининг асосий йўналишлари, функциялари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан маълумотлар бериш борасида тарғибот ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликка, қарор ва кўрсатмаларга асосланиб:

- ташкилотларнинг ички буйруқ, шартнома ва бошқа юридик тусдаги ҳужжатлари Марказ хулосасисиз қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги, агар қабул қилинган тақдирда ҳам мазкур ҳужжатлар юридик кучга эга эмаслиги ва ҳеч қан-

дай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслиги;

- марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини ташкил этиш мақсадида “Е-Нuquqshunos” электрон тизимига вазирлик томонидан киритилган намуналар шаклида ички буйруқ, шартнома ва бошқа юридик тусдаги ҳужжатлар қабул қилиниши;

- юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг тизимига кирувчи ташкилотлар (мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, оилавий поликлиникалар)нинг фаолиятида юзага келаётган муаммолар буйича Марказга мурожаат этиши мумкинлиги;
- раҳбарлик қилаётган бў-

лим ва унинг қўйи тизимларига тааллуқли бўлган ижтимоий соҳа объектиларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари содир этилган тақдирда, бу ҳақида Марказга мурожаат этиши мумкинлиги борасидаги бир қатор тушунтиришлар марказ томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга етказилди.

Айни вақтда, тумандаги юридик хизмат кўрсатиш маркази ходимлари томонидан “Е-Нuquqshunos” электрон тизими орқали ташкилотлардан ҳуқуқий экспертиза учун юборилган юридик тусдаги барча ҳужжатлар қонуний асосларда кўриб чиқилмоқда.

Райҳона ҲАМИДОВА,
Мирзо Улуғбек туман юридик хизмат кўрсатиш бош юрисконсульти

КАШҚАДАРЁ
**МАКТАБДАН НОҚОНУНИЙ
БЎШАТИЛГАН
ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ**

ШАҲРИСАБЗ туманида яшовчи фуқаро Ш.Б.нинг Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 15-сон умумий ўрта таълим мактабидан ноқонуний ишдан бўшатирилган норози бўлиб, Шаҳрисабз шаҳар адлия бўлимига ёзган мурожаати адлия бўлими томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди.

Ўрганишнинг якуний хулосаларидан келиб чиқиб, фуқаро Ш.Б.нинг манфаатини кўзлаб, ишга тиклаш ва мажбурий бўш юрган даври учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг 2021 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан фуқаро Ш.Б. ўз ишига тикланди. Шунингдек, мажбурий бўш юрган даври учун иш ҳақи ундириб берилди.

Ориф УМАРОВ,
Шаҳрисабз шаҳар адлия бўлими бошлиғи



**МИБнинг кутилмаган
ТАЛАБНОМАСИ**

БУВАЙДА туманининг “Жийдали” қишлоғида яшовчи фуқаро С.Одилов мажбурий ижро бюросининг Бувайда туман бўлими томонидан 1 миллион 150 минг сўм миқдоридан жарима тўлови юзасидан талабнома тақдим этилганида ҳайрону лол қолди. “Мен бирор жойда қондан бузмагандим-ку”, деб ўйлади у. Сўнг бу хусусда туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида аён бўлдики, 2020 йил 30 март куни Фарғона вилоят ИИБ ЙХХБ инспектори С.Сиддиқов томонидан фуқаро С.Одиловга нисбатан маъмурий баённома ва қарор расмийлаштирилган. Эмишки, С.Одилов Риштон туманининг “Тўда” қишлоғи бўйлаб кетаётганда тезлик чегараланган жойда соатига 92 километр тезликда ҳаракатланган экан. Мазкур ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео мослама орқали аниқланган. Бироқ, инспекторнинг қароридан давлат

белгиси 40 G 562 QA “Нексия” русумли автомашинанинг расми кўрсатилган. Ваҳоланки, бу машина мурожаат муаллифига тааллуқли эмас. Аслида ўша “Нексия” С.Одиловнинг ҳамқишлоғи М.Умрақовники эканлиги аниқланди. Лекин қарорда машина русуми “Спарк” дея кўрсатилиб, С.Одиловга асоссиз қарор расмийлаштирилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 171-моддасида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қондалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори тортилиши белгиланган.

Бундан ташқари, кодекснинг 321-моддасига биноан, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондалари бузилганлиги бўйича иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлигини инобатга олган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқиши лозим. Туман адлия бўлими томонидан Фарғона вилоят ИИБ ЙХХБга тақдимнома киритилиши натижасида фуқарога нисбатан нотўғри расмийлаштирилган қарор бекор қилинди.

Бахтиёр МҰМИНОВ,
Бувайда туман адлия бўлими бошлиғи



ҚОНИМЕХ туманида фаолият юритаётган “Bek Asad” масъулияти чекланган жамияти маънавий техника махсулотлари савдоси билан шуғулланади. МЧЖ фаолиятида солиқ тўловлари билан боғлиқ англашилмовчилик юзага келиб, жамият раҳбари ҳолатга оидинлик киритиш ва масалани ижобий ҳал этиш мақсадида туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

2020-2021 йиллар давомида Самарқанддаги “Bazelevs group” МЧЖ билан 361 миллион 799 минг 999 сўмлик товар айланмаси учун шартнома имзоланган. Ҳужжатга кўра, мазкур сумма қўшимча қиймат солиғи билан бирга ҳисобланган умумий миқдор бўлиб, тўлов орқали қарздорлик қолмаслиги назарда тутилган.

Бироқ, вилоят давлат солиқ бошқармасининг “Bek Asad” МЧЖда олиб борган камерал солиқ текшируви мобайнида қўшимча қиймат солиғида 47 миллион 191 минг 304 сўм қарздорлик борлиги аниқланган. “Bek Asad” МЧЖ томонидан “Bazelevs group” МЧЖга тўлаб берилган 47 миллион 191 минг 304 сўм ҚҚС инобатга олинмай, мазкур шартнома қалбаки ёки қўзбўямачиликка асосланиб тузилган, деб юқоридаги сумма жамият ҳисоб рақамидан кесиб олинган.

Ҳолат адлия органлари томонидан ўрганилганда, вазият бошқача эканлиги маълум бўлди. 2020-2021 йил 3 майга қадар корхонага хизмат кўрсатувчи банк муассасаси томонидан берилган корпоратив картаси орқали шартномавий муносабатда бўлган “Bazelevs group” МЧЖ қўшимча қиймат солиғи тўловчиси сифатида 318010022030-сонли гувоҳномага биноан фаолият юритган ёки “Bek Asad” МЧЖ билан товар айланмаларини амалга оширган даврида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатидаги гувоҳномаси амалда бўлган. Утган давр ҳамда бутунги кунда ҳам томонлар ўртасида дебитор ёки кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

“Bek Asad” МЧЖ ва “Bazelevs group” МЧЖ ўртасидаги товар айланмаларини амалга ошириш юзасидан тузилган битим суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори орқали қалбаки ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан тадбиркор манфаатида Навоий туманлараро маъмурий судига ариза киритилиб, тадбиркорга нисбатан қўшимча қиймат солиғи тўлаш тўғрисида чиқарилган қарор ҳақиқий эмас, деб топилди.

Нурали ИСРОИЛОВ,
Қонимех туман адлия бўлими бошлиғи

СУРХОНДАРЁ
**Ўқитувчиларнинг
ҲАҚҚИ УНДИРИЛДИ**

САРИОСИЁ туманидаги умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари ўзига қўшимча равишда юклатилган “Спорт тарғиботчиси” лавозимини учун тўланиши шарт бўлган устама пуллари тўланмасдан келинаётганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Аниқланишича, Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тартибда тарғиботчи ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра, 2021 йил 1 январдан барча давлат органлари ва ташкилотларида, соғлом турмуш тарзи ва

оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдоридан устама белгилаш йўлга қўйилиши белгиланган.

Туман халқ таълими бўлимининг тақдим этган маълумотномасидан жисмоний тарбия ўқитувчиси лавозимда ишлаб келган С.Саидназаров, А.Ходжаев, Ж.Сангинов, Ф.Эшонбоев ҳамда Д.Бобоевларга юқоридаги Фармон талабларига зид равишда 2021 йил 30 сентябрь ҳолатида жами 20 миллион 499 минг сўм миқдоридан

устама пули тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан туман адлия бўлими томонидан ходимлар манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Сароисиё туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Аризалар қаноатлантирилиб, тегишли тартибда белгиланган 20 фоиз миқдоридан устама пулини ундириш юзасидан суд буйруқлари чиқарилди.

Абдуғаффор ШАРИПОВ,
Сариоисиё туман адлия бўлими бошлиғи



ТЕНГ ҲУҚУҚЛИМИЗ...

ҲАЁТИМИЗ кундан-кунга ўзгармоқда. Бир қарасанг — гўёки ҳаммаси рисоладагидек, гўё ҳамма бахтиёрдек. Жамиятда аёлнинг роли ошгандек. Аёлларнинг бахту саодати учун хизмат қиладиган қонунлар, қарорлар ҳам шунчалик кўпки, санаб санаб беришнинг қийин... Аслида-чи? Аслида айрим аёлларнинг атрофидаги бахтсизликларни, фожиаларни, уларнинг бошидаги кўргуликларни, ситамларни барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Муҳташам идорадагилар уюқ минбарлардан туриб "Гендер тенглигига эришдик" деб оғиз кўпиртириб мақтанаётган бир вақтда олис қишлоқ чеккасида зўра кун кечираётган, усти юпун, ночор, болалари касалманд муштипар аёл бизга "Гендер дегани нима ўзи у?" деб савол бергани, унга нима деб жавоб беришни билмай тилимизни тишлаганимизни эслаймиз. Алам қилади...

Бош қомусимизнинг 46-моддасида Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенглиги белгилаб қўйилганку, дейсизми?!

Нега шу тенг ҳуқуқлилигимиздан оиламиз бузилиб, ажрим чоғида 4 нафар боламиз билан бошпанасиз кўчада қолганимизда фойдалана олмаيمиз? Нега фарзандимизга ўз отасидан алимент ундиришни сўраб судгача борганимизда бу "тенг ҳуқуқлилигимиз" ёрдамга келмайди? Нега қонунларимиз ҳаётимизни эмас, қоғозларни безаш учун қабул қилинапти? Боласига бермаслик учун ҳатто игнасини ҳам бошқаларнинг номига ўтказиб қўяётган оталар билан тенг ҳуқуқлилигимиз-ми? Уйсиз, жойсиз, қаровсиз, меҳрсиз қолган болалар жиноятга қўл урса, чорасиз қолган аёллар ўз жонига қасд қилса... яна аёлларнинг ўзини айбдор қилишимиз ҳам "тенг ҳуқуқлилигимиз"дан-ми? Жамиятдаги бундай ҳаётларни тузатишга нега кучимиз етмаяпти? Ҳаётни ўзгартириш учун қонунларимизни ўзгартиришга, бахтидан айрилган аёлга, аникроғи, унинг вояга етмаган болаларига озгина ён босадиган қилиб ўзгартиришга нима ёки ким ҳалақат беради?! Ҳимоя ордери бор-ку, дейишингиз мумкин...

КИМНИ КИМДАН ҲИМОЯ ҚИЛМОҚЧИМИЗ?

Ҳимоя ордери. Бу янги иборани ҳар эслганда юракни бир оғир тош эзди, хаёлни оғир ташвиш эгаллайди. Инсон қачон бундай аҳволга тушиб? Бир уйда яшаб, бир ёстиққа бош қўйиб бир-биридан ҳимояланишни ақлга сиғдириш жуда қийин. Ёки болаларни онасидан, отасидан, бувисидан, акасидан ҳимоя қилиш охирилик ва бағридошлиқдан бошқа нарса эмас. Бу одамзод қавмининг шайқатсизлигидан далолат. Ўз уйингда сени биров ўз яқинларингдан ҳимоя қилиши кераклиги ҳақидаги фикр ва тасаввур нақадар аянчли ва кўрчинчли...

Оилага учун хавфли инсонларнинг барчасини қафасга солишинг кошки иложи бўлса... Темир панжара ортига эса бундайларнинг аксарияти жабр кўрганларнинг кеҳиримлилиги ва ўлимдан ҳам кучли ор туфайли тушмай қолапти.


"Осмондаги болалар" фильмини эслайсизми? Бечора аёл



БАХТСИЗЛИКДАН

ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН

ОРДЕР БОРМИ?



бутун умр ичкиликка ружу қўйган ношуд эркек билан яшаб, ҳар куни калтак еб, ундан жабр кўрса ҳам, ҳаммасига чидайди. Аммо ўгли Ҳамдамнинг мактаб ўқувчиси бўла туриб новвойхонада ишлаб ўзи пешона тери билан топган пулига сотиб олган видеомагнитофонни ароққа алмашганига чидай олмай, пийёнега эрни милицияга топшириб, "Олиб кетинглари уни бошқа чидай олмайман, жонимга теғди..." деб фарёд қилган аёл эрнини милиция ходимлари олиб кетаётган чоғда орқасидан оёқ яланг югуриб, йиғлаб, аризамни қайтариб оламан, қўйворинг эримни деб милициянинг қўлига ёпишган саҳнаси ёдингиздами? Кўп ўтмасдан, гарчи бу ароқхўр оила бошлиғи шу "дард" билан оламдан ўтган бўлса-да, ўшанда бир пулга арзимайдиган бу эркекни оила қадрияти кечирганди.

ҲИМОЯ ОРДЕРИ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ...МИ?

Ҳимоя ордери нима ўзи? Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини берувчи ҳужжат. Унинг формуласи куйидагича:

Хукуматнинг "Хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан профлактика инспекторлари ҳимоя ордерини бериш ваколатига эга бўлди.

Ҳимоя ордери, қоғоздаги чеклов ҳоло! У инсонни ҳимоя қилишидан кўра кўпроқ баъзиларнинг газабини келтираётган бўлса-чи? Қандай қилиб жонсиз қоғоз ёки кўчадаги инспектор сизни уйингиздаги ҳайвон қиёфасига кирган одамдан ҳимоя қила олади?

Тўғри, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 майдаги "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан ҳудудларда

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Республика маркази ва унинг жойлардаги филиаллари ташкил этилди. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига оғир ижтимоий аҳволда қолган, оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган, ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар жойлаштирилмоқда. Аммо ўз уйи, ўз ошибидан ўзга жойда аёлнинг бахтли бўлиши, болалари билан омонат яшashi, албатта, қийин. Мамлакатимизда эса неча-неча минглаб тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ана шундай жабру зулмлардан ҳимояланиш учун "ҳимоя ордери" берилаяпти, деган маълумотларнинг ўзидек кишини хушёр тортирадди.

Марказга мурожаат қилган ўта оғир психологик стрессга тушиб қолган, тазйиқ ва зўравонликка дуч келган хотин-қизлар ва болалар марказ шелтерида жойлаштирилиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муаммолари ҳал этилмоқда. Афсуски, бу денгиздан бир томчи ҳолос.

ҚИЗЧА ОМОН ҚОЛДИ

Иккинчи турмуш ўртоғининг гапига кириб, уч ёшли қизалоғини уриб, қўл-оёғини, бурнини синдирган онани ким деб аташ мумкин? Яхшиямки, маҳалладагилар ҳовлига кириб қолиб, тезда шифохонага олиб боришди, операция муваффақиятли ўтди. Малиқанинг жони омон қолди. Бу қизча касалхонадан тўғри вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги вояга етмаган қаровсиз болаларни вақтинчалик сақлаш марказига, ундан кейин эса, "Меҳрибонлик уйи"га жойлаштирилди. Ҳозир уни севиб, ардоқлайдиган, яхши кўрадиган ажойиб хонадон эгалари фарзандликка олишган. Хайрият, яхшилар бор. Ўз онаси эса оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Унга аслида бу жазо ҳам кам.

ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЎЛА ТУРИБ ҲИМОЯСИЗ ҚОЛГАН АЁЛ

Яна бир ёш аёл эса қўлида ҳимоя ордери бўла туриб, ҳимоясиз қолиб, бу ёруғ оламни тарк этди. Нигоранинг қўлида ички ишлар бошқармаси томонидан берилган ҳар куни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда уйда жанжал кўтарадиган, аёлига қўшиб, фарзандларини ҳам дўппослайдиган, қўлига тушган нарсани уриб синдирадиган ароқхўр эрдан ҳимоя қиладиган ордери бор эди. Афсуски, бу ордери аёлнинг жонига ора кирмади, уни маст-аласт юрадиган жоҳил эркек чангалидан қутқара олмади. Ружудаги битмас жараҳатлар билан тўртта бола етим қолди.

ҚАЙНОНАГА БАҲОНА КЕРАК...

Нафисанинг бу хонадонга келин бўлиб тушганига 10 йилдан ошган бўлса-да, бирор марта қайнонасидан яхши сўз эшитганини эслаб олмайди. Ҳаммасига беш нафар фарзанди борлиги, уларнинг эртасини ўйлаб, отасиз ўқиб ўсмасин, деб кунлари дўзага айланса ҳамки, Яратгандан сабр сўраб яшашига ўргани сабаб бўлди. У кир ювишдан олдин турмуш ўртоғининг кийимларини кўздан кечиришига одатланган. Бу гал ҳам шимнинг чўнтагидан 400 минг сўмни олиб, дераза тоқчасига қўйди. Ўзи эса кир ювиш, ундан сўнг бошқа юмушлар билан овора бўлиб, тоқчадаги пулни ичкарига киритиб қўйишни унутди. Бу орада қайинсингил пулни алпақачон ўғирлаб бўлган эди. Шусиз ҳам келинга зўғум қилишдан бошқа нарсани билмайдиган қайнонага келинни ўғрилиқда айблашга баҳона топилди. Кўчадан келгандан, онасидан "ўғри келин"нинг танобини тортиб қўйиш топширигини олган ўғил Нафисани хушидан кетгунча уриб, тепкилаган пайда уни қайси ҳимоя ордери ҳимоя қила оларди?

БАХТСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ОРДЕР БОРМИ?

Ўзбекнинг орияти ҳар нарсадан кучли. Турмуш ўртоғи хиёнат қилиб, болалари билан уни ташлаб кетганига қарамасдан, тўшақда ётган қайнонасини ўн беш йил парвариш қилган бахтсиз аёлни қайси ҳимоя ордери ҳимоя қилишини айта оласизми? Ёки ҳимоя ордери фақат уриб, қўлини синдирганлар, бошини ёрганлар учунми? Кўнглини чилларчин қилганларни инсофга қақирадиган ҳимоя ордери борми?

Отасининг юзи қоралиғи боласига урганида-чи? Гарчи, бола ота-онанинг қилмиши учун жавобгар бўлмаса-да, оилавий қадриятларимиз, ор-номус деган тенгсиз тушунча бу қайдани инкор қилишни яхши биламиз. Отасининг енгил табиат аёл билан никоҳсиз яшаётгани ҳарбий олийгоҳдаги ўқилишдан айириб, унинг келажагини барбод қилганида, аҳду паймон қилган қизининг ота-онаси белгиланган тўйни тўхтатиб, бундай ахлоқсиз отанинг ўлиғи берадиган қизимиз йўқ, деб тўёнларни қайтариб таъна қилганида-чи? Отасининг касрига қолган айбосиз ўғилни ҳимоя қиладиган ҳимоя ордерини қаердан топиш мумкин?

Ҳимоя ордерига эътирозимиз, қаршилигимиз йўқ! Аммо у қалбини жаҳолат, миясини разолат эгаллаган, қўзи қонга тўлган, маънавий қашшоқ, ахлоқ-одоб кўчасидан узоклашган, гуноҳ билан савобнинг фарқини билмайдиган, инсон деган улуг номга арзимайдиган одамлардан Сизни, бизни, ҳеч кимни ҳеч қачон ҳимоя қила олмайди! Шундай касир, инсонийлик қиёфамизни йўқотмайлик!

ОИЛА ИШЛАРИ ҲАМ УЛУГ ИБОДАТДИР

Аёлми, эркекми, энг аввало оилада бахтли бўлсин! Аллоҳ эркек кишини жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратган. Оила қуриш ва унинг осойишталигини сақлаш, бу йўлдаги барча сарф-ҳаражатлар эркек кишининг зиммасида.

Аммо, эрларнинг аёллардан афзаллигини, баъзи фаҳм-фаросатсиз жоҳиллар ўйлаганидек, эр аёл устидан ҳукм қилувчи ҳоким, унга истаган нарсасини юклайди ва хоҳлаганини буюради, аёлнинг йўқ дейишга, эрининг буйруғига қарши чиқишга ҳаққи йўқ, чунки, у хато қилса ҳам, эолим ва қўпол бўлса ҳам, эрдир, деб тушунмоқ ноҳайири. Бундай тушуниш бағоят катта жаҳолатдир. Аллоҳ амрига зиддир!

Исломи дини ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркекларни инсонларнинг энг яхшиши қаторига қўйиши ҳақида Расулulloҳ шундай деб марҳамат қиладилар: "Сизларнинг ичингиздаги энг яхшиингиз ўз аҳли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлгандир. Ваҳоланки, мен ҳам ичингизда аҳлима энг яхши (муносабатда)ман" (Имом Термизий ривояти).

Азалдан ота-боболаримиз оила тотувлиги ва мустаҳкамлигини бошқа масалалардан кўра муҳимроқ санаб, оиланинг тартиб-интизоми ва тарбияси билан алоҳида шугулланган. Зеро, оила қуриш, оилавий ишлар билан шугулланиш ҳам улуг ибодатдир.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш Дастурининг 21-бандига мувофиқ судларда суд ишларида барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар ҳамда электрон почта манзилга юбориш орқали хабардор қилиш ахборот тизими билан ишлаш тартиб-қоидалари ишга тушди.



“ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ” ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА ЮБОРИЛАДИ

Унга мувофиқ барча судьялар иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “Е-XSUD” ахборот тизими орқали “SMS” хабар ҳамда электрон почта манзили орқали хабардор қилмоқда.

Албатта, бунинг учун тарафлар судга даъво аризаси беришда шахсий уяли алоқа воситалари рақамларини ҳамда электрон почта манзилларини қиритиши лозим бўлади.

Иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида чақирув “чақирув қоғози” орқали тақлиф этилиб, тарафлар мазкур мазмундаги маълумотларни олгандан сўнг, албатта, судда иштирок этишлари лозим.

Чақирув қоғозларида қайси суд органи, иш сони, қачон суд мажлиси вақти ва соати, қайси манзилда ўтказилиши, ким бўлиб иштирок этиши, судьянинг исми-шарифи, суднинг хизмат телефони ва бошқа маълумотлар киритилган бўлиб, тарафларда ўз вақтида ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар олиб, суд муҳокамасига қадар юзага келадиган барча масалалар бўйича ўзларининг асосли эътирозларини суд жараёнида баён қилиш имкониятини яратди.

Шунингдек, чақирилувчи шахснинг ҳам мазкур чақирув қоғозини олганигини тасдиқловчи электрон белгилар, маълумотлар вужудга келади.

Тарафларнинг ўз вақтида суд жараёнидан хабардор бўлиши, энг аввало, уларда медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузишга, тарафлар ўртасида келишув битими тузилишига, нисознинг ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришга хизмат қилади.

Шунингдек, барча судларда чақирув қоғозлари, суднинг хал қилув қарорлари, ажримлари, “Гибрид почта” тизими орқали ҳудудий почта бўлимларига электрон юборилиб, тарафларга етказиш ҳудудий почта алоқа бўлими ходимлари зиммасига юклатилган.

“Гибрид почта” тизимида тузилган реестрлар девонхона ходими томонидан қабул қилиб олинмайди, жўнатмалар судьянинг электрон ахборот тизимидан тўғридан-тўғри кўрсатилган манзилдаги почта бўлимига бориб тушади. Юбориш тасдиқланганидан сўнг жўнатмалар “Е-XSUD” ахборот тизимида кўрсатилган манзилдаги почта бўлимига юборилади. Жўнатмалар юборилганидан сўнг уларни бекор қилиш ёки ўчириш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли эҳтиётсизлик оқибатида ҳато суд ҳужжатлари томонларга кетиб қолмаслиги учун “Е-XSUD” ахборот тизимида ишлашда эҳтиёткорлик ҳамда масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

“Е-XSUD” ахборот тизимидан “Гибрид почта”га юборилганлар (етказиб берилган) бўлими мавжуд бўлиб, унда юборилган чақирув қоғозлари, хал қилув қарорлари, ажримлари тарафларга етказиб берилганлиги ҳолатини почта курьерлари томонидан натижаси электрон базага киритилгандан сўнг жўнатмалар тарафларга етиб борганлиги маълум бўлади.

Албатта, бундай ўзгаришлар, янгиликлар одил судловни амалга оширишда кўмаклашиб, тарафларга бирмунча қулайликлар яратди ҳамда судда тарафларнинг тўлиқ иштирок этишига, суд ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва хал этишга хизмат қилади.

Камол НАМАЗОВ,
Сирдарё вилоят судининг судьяси

Аммо 2016 йилнинг охири, 2017 йилнинг бошларида унинг бошига жиддий таъшиш тушди. Яъни, унга аслида 2004 йилда у содир этмаган жиноятнинг юз берганлиги ваки билан жиноят иши кўзга тилди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 12 апрелдаги ҳукмида бу ҳолат қайд этилган.

Гап шундаки, 2004 йил 22 июндан 23 июнга ўтар кечаси Охунбобоев темир йўл бекатида турган тепловоздан дизел ёқилгиси ўғирланади. Оқибатда мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилди. Айни жиноят иши бўйича эса Б.Юлчиев тергов ҳаракатларини олиб боради. Ҳамма гап ўша куни бекатда навбатчиликда бўлган Р.Кўзибоев ва М.Мўминовларни терговчи томонидан ўғирларга шерик сифатида тергов қилинишидан бошланади. Дизел ёқилгиси ўғирлари жинояти қолиб, терговчи “сохта жиноят” формуласи ўйлаб топилди. Эмишқи, терговчи уларни жавобгарликка тортиш ва камаш билан кўриштириб, улардан 500 миң сўм пора талаб қилиб, 2004 йил 12 август куни Р.Кўзибоевнинг қариндоши И.Рўзиевдан 200 АҚШ доллари ва 160 миң сўм пулни ўз хизмат хонасида олармиш. Тезкор тергов гуруҳи келгунига қадар эса хона эшигини беркитиб, номаълум томонга кетиб қолганмиш. Бундан фойдаланган “адолат посбонлари” — Кўкон тармоқ ИИБ раҳбарлари ва ҳолислар иштирокида Б.Юлчиевнинг хизмат хонаси очилиб, ичкарига қирилганда шкафдан газетага ўралган 200 АҚШ доллари ва 160 миң сўм пуллар ашёвий далил тарихасида олинганмиш. Ва бунинг оқибатида терговчига нисбатан жиноят иши кўзга тилган.

Гарчи, ўша пайтда Б.Юлчиев ўзининг айбисизлигини билиб турса-да, тергов органига буни исботлаб бера олиши осон эмаслиги боис мамлакатимиз ҳудудидан чиқиб кетган. Шунинг учун мазкур иш 2017 йилда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида кўриб чиқилган. Суднинг 2017 йил 12 апрелдаги ҳукмига мувофиқ эса у Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилди, 2 йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Амнистия ақтларига асосан тайинланган жазоси учдан бир қисмига қисқартirilган. Шунга қарамай,

УЧКЎПРИК туманида яшовчи Баҳодиржон Юлчиев бундан 23 йил аввал мактабни тамомлаб, олийгоҳга ўқишга кирганида келгусида тажрибали ҳуқуқшунос бўлиб, халқимизга хизмат қилишни дилгга туксанда. Шундай бўлди ҳам. Эзгу ниятлари амалга ошириб, ички ишлар органларига ишга кирди. Кейинчалик Кўкон темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ тергов бўлимида терговчиси лавозимига ўтказилди. Аммо...



ТўРТ ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНГАН ТЕРГОВЧИ

Ўзини айбисиз деб билган Б.Юлчиев жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация шикоятни берган. Пировардида, суднинг 2018 йил 7 ноябрдаги ажримига қайта қилиниб, жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тугатилган.

Аммо Б.Юлчиев 2020 йил охирида Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиб, ўзига нисбатан оқлов ажрими чиқаришни сўраган. Натижада Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 15 февралдаги ажримига асосан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 7 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, иш қайтадан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Албатта, апелляция суди мажлисида Б.Юлчиевнинг ноҳақ судланганини аён бўлди. Яъни, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича исботлангани лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилмаган. Анниқроғи, Б.Юлчиевнинг 2004 йил 12 август куни ўз хизмат хонасида 200 АҚШ доллари ва 160 миң

сўм пулни олганлик ҳолатига И.Рўзиевнинг аризаси ҳамда суддаги кўрсатмасига асосан баҳо берилган, ҳолос. Унинг бу ҳақдаги кўрсатмасининг ишончлилиги қўшимча далиллар тўплаш орқали текширилмаган. Қолаверса, И.Рўзиевнинг биргина кўрсатмасига терговчининг айблаш учун етарли далил бўла оlishи ёки йўқлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган. Ваҳоланки, бу айблов иш бўйича тўпаланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар мажмуи билан ҳам ҳолисона исботлангани шарт эди.

Шунингдек, иш бўйича гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги қарама-қаршиликлар, ишда мавжуд бўлган камчилик ва ноаниқликлар бартараф қилинмаган. Энг ачинарлиси, Б.Юлчиев исботловчи етарли далилларсиз айбли деб топилган.

Биринчи босқич суди ишда тўпаланган Б.Юлчиевнинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбуллиги нуқтан назаридан баҳоламаган.

Ана шу асосларга таянган Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 12 апрелдаги ҳукмини бекор қилиб, Б.Юлчиевни айбисиз, деб топди ҳамда оқлади.

Бобохон ВАҲОБОВ,
Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари,
Хуршид СЎЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ЙЎЛДА ҚОҚИЛГАН УМИДЛАР

ЙЎЛДАГИ бахтсиз ҳодисалар ҳақида деярли ҳар куни эшитилган бўлиб қолдик. Кимдир буни автотранспорт воситалари тури ва сони кўпайганили билан боғласа, яна кимдир ҳайдовчиларнинг ёки йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига бепарволиги, бошқа биров эса, шунчаки бахтсиз тасодиф дейди. Аслида эса, бундай фожиалар йўлда хушёрликни унуттаётганимиз сабабчи бўлмоқда.

Энди 49 ёшни қоралаган, хали ҳаётдан умидлари қўп, яхши ниятлар билан уйига уста солган, ўша куни эрта тонгда уйдан усталарга нон олиб келиш учун кўчага чиқиб кетган Ойгул Ҳайдарова (исм-шарифлар ўзгартirilган)нинг автохалокатга учраб, оғир тан жароҳати оқибатида вафот этишига ҳам ана шундай йўлдаги бахтсиз ҳодиса сабаб бўлди. Тўғрироғи, рудда ўтирган воғга етмаган йигитчанинг автомобилни нотўғри бошқариши унинг умрига зомин бўлганлиги.

Ёз, 9 июнь. Тахмина тонгги соат олтилар. “Тошкент-Термиз” йўлининг 854-километри. Кечкурун тун қоронғусида Қашқадарё вилоятининг Кигоб туманидан йўлга чиққан юк машинасини бошқариб келаётган ҳайдовчи машинани йўл четига тўхтапти. Амаки-жиян йўл бўйи гурунлашиб келишганини, йўлнинг узоклиги ҳам сезилмади. Мана, тонг ҳам отди. Ёзинг бир чиройли тонги. Ҳайдовчи айтилган манзилга етиб келдик-ку, энди бироз нафас ростлаб олайлик, деган ҳаёлда машинани йўл четига қўйди. Жиянининг кўзи илинган экан, уйғотди.

Автомашина салоидидаги буюмлар турадиган жойни тартибга келтириб, буюртма берган мижознинг телефон рақами ёзилган дафтарни топди-да, жиянига

буюртма берган мижознинг рақамини топишини айтди. Комил кўзини ишжаб амакиси қўлига тутказган дафтардан айтилган рақамни излай бошлади.

Бу пайтда Комил Ҳайдаров ҳайдовчининг ўриндигига ўтганди. Туни билан рудда ўтирганидан анчагина толиқкан, тоза ҳаводан нафас олиб, ана тетик торган амаки хали уйкуси очилмаган жиянини саволга тулди.

— Топдингми?
— Йўқ, мен ёмагандим-ку, ўзиз ёзмайсиз, қаердан топаман...

— Қани буёққа олчи дафтарни!
Йўлда бироз чарчаганиданми, ҳайдовчи шу олдий юмушни ҳам жиянига топширганди. Эндигина 16 ёшни қоралаган Комил ёзги таътилни қотиллик билан бошлашини ўша онда ким билмиди дейсиз. Ҳаммаси бир лаҳзада содир бўлди. Комил қўл тормозини тушириб, педалини босиб юборди. Бирдан юк машинаси орқа томонга юриб кетди. Педал куч билан тортилган эканми, автомашина бир силкинишда орқасида турган пиёда аёлни босиб кетишга улгурди. Ойгул Ҳайдарова юк машинасининг кучли ғилдираги остидан четрокка қочишга улгурмади ҳам.

Юк машинасида уйкусираб ўтирган ўсимир йигит бир зумда қотиллик содир этиб, жиноятчига айланди-қолди. Эндигина ўрта мактабнинг 10-синфига ўтган, келажagini бир олам режалар билан боғлаётган тендошлари каби орузумилар билан ўқиб, ёзги таътилни мароқли ўтказишни ўйлаб юрган Комил ўйламай қилган бир хатоси сабаб суднинг қора курсисига ўтирди. Бир оила бахтидан, бир ҳовли гузал бекасидан, гулдек фарзандлар онасидан айрилди. Буларнинг ҳаммаси...

ҳаммаси... бир лаҳзада содир бўлди. Шунча йўлни тун қоронғусида тўғри топиб, йўл бўйи киприк қокмай, хушёрликда рулни тўғри бошқариб келган ҳайдовчи ҳам гафлатда қолди, гафлатда!.. Йўлда қоқилган умидлар эса, бемаврид тўқилган қон излари остида қолди.

Мазкур жиноий иш юзасидан ўтказилган суд мажлисида судланувчи айбига тўлиқ иқдор бўлиб, ёзги таътилда бўлганлиги учун пойтахтга юк олиб бормоқчи бўлган амакисидан уни ҳам бирга Тошкентга айлантиришга олиб боришини илтимос қилганлигини, амакиси рози бўлганини айтди. Йўлдаги воқеаларни бир-бир эслаб, автомашина бошқаришни билмаса-да, хайдашни ўрганиш учун машина уйда турган вақтида ҳам тормоз, педалларни босиб, рулни чапта, унга буриб ўйнашни яхши кўришини айтиб, ўша куни машинанинг қўл тормозини бекосдан пастга тушириб қўйилганини тан олди. Шу пайтда амакиси унга машинани ўйнамасдан, дафтарни олиб мижозга кўнгирок қилишини айтгани, у дафтарга қараб керакли рақамни излаётган вақтида машина бирдан силкиниб кетганлигини эслади. Судланувчи амакисининг овозини эшитганини айтиб, бўлган воқеаларни бир-бир эслади.

Суд мажлисида гувоҳларнинг, жабрланувчининг қонуний вакили бўлган марҳумнинг турмуш ўртоғининг кўрсатмалари ҳам тингланди. Амакиси Комилнинг воғга етмаганлигини инобатга олиб суддан қўйилди сўради. Суд эса, судланувчига нисбатан қонуний асосда жазо тайинлади.

Гулбаҳор ОРТИҚСЎҲАЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Неча асрлардан буён Самарқанд нонлари ўзининг довури-ю, шухрати, бошқа бирор гўшада уни Самарқандгадек тайёрлаб бўлмагани билан Ер юзи аҳлини ҳайратга солиб келади. Кўҳна Самарқандга келган ҳар бир сайёҳ, бу қадим ўлканинг ҳар бир азиз меҳмони Самарқанд нонини тановул қилиб, эсталик учун, албатта, бу нонни муқаддас билиб, ўз юртига олиб кетади.

Яқинда мен ҳам Самарқанд шаҳридаги "Сиёб" бозорига айнан нон олиш учун кирдим. Нонвойлар савдо қиладиган растага келганимда бир гуруҳ чет эллик сайёҳлар навбат билан нон олишаётган экан. Таржимон кўмагида италиялик Антонио исмли сайёҳ билан суҳбатладим.

— Ёшим 75 дан ошди, — деб гап бошлади кекса сайёҳ. — Самарқандга олтинчи марта келишим. Ҳар гал келганимда, албатта, Самарқанд нонларидан олиб кетаман. Бу ноннинг мазаси, узоқ вақт сақланса ҳам сифатини йўқотмаслиги, хуштаъмлиги доим қойил қолганман. Дунёнинг бирор бир бурчагидан бундай нон тополмайси! Бу нонни неча ой сақлангиз ҳам, унинг сифати ҳам, мазаси ҳам бузилмайди. Вожаб, бу Самарқанднинг мўъжизасими дейман!

Ҳақиқатан ҳам, Самарқанд нонининг баҳоси йўқ! Бунга эса, қурраи замин тан берган. Шу ўринда бир нарсага ургу беришни истар эдим. Самарқанд нонининг шухрати, довури доим бирдек сақланишида бевосита бугдойни қайта ишлаб чиқарадиган "Самарқанд дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятининг ҳам ўзига хос хиссаси бор. Корхона жамоаси ҳамisha ўз ишига масъулятли. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бозоргир бўлишида корхонадаги ҳар бир ишчи-ҳодимнинг муносиб меҳнати бор. Улар ўз ишига ҳалол, виждонан ёндашиб, бор меҳри билан қуёшдек иссиқ Самарқанд нонларини тайёрлаш учун энг зарур ун маҳсулотини етказиб беришмоқда.

— Корхонамиз ишчи-ҳодимларининг масъуляти бошқа

САМАРҚАНД нонлари мағрибдан машриққача маълу ва машҳур. Тарихда ҳам, бугун ҳам бу бетакрор ноннинг ширинлиги, хуштаъмлиги, ўзига хослиги етти иқлим аҳлини ўзига мафтун этиб келмоқда. Самарқанддек беназир гўша яна қайда бор! Қадим Самарқанднинг ўзига хос иқлими, бетакрор суви, тупроғи-ю ҳавосида ажиб илоҳийлик бор.



жамоаларнинг масъулятига қараганда ўн хисса ортиқ, — дейди "Самарқанд дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ориф Ражабов. — Нега десангиз, биз ишлаб чиқараётган ундан тайёрланаётган Самарқанд нонлари ҳамisha харидоргир, тез сотиладиган маҳсулот. Бу нонни нафақат юртдошларимиз, сайёҳлар ҳам севиб истеъмол қиладди. Бутун дунё аҳли харид қиладиган Самарқанд нонлари учун ун тайёрлаш ҳам масъулятли, ҳам шарафли меҳнат. Агарда биз ўз ишимизда озгина бўлса ҳам лоқайдликка йўл қўйсак, асрлар давомида сақланиб келаётган Самарқанд нонининг хурматига, шухратига хиёнат қилган бўламиз. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифатига алоҳида эътибор берамиз.

Корхонамиз фаолиятида қатъий интизом бор. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати учун ҳамма бирдек жавобгар, масъул! Бугдойни қабул қилиб олишдан тортиб ун маҳсулотини қадоқлашгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнида ишчи-хизматчиларимиз чегарачидек хушёр. Ҳамма ўз ишига масъуляти билан ёндашади. Масъулятсизлик ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас! Уннинг сифати агар талабга жавоб бермаса,




САМАРҚАНДНИНГ МЎЪЖИЗАСИ



ҳеч қандай баҳона билан бунга оқлаб бўлмайди. Зиммамизда Ўзбекистон деган мамлакатнинг обрў-эътибори, нуфузи турибди. Бунга эса, бутун корхонамиз ишчи-хизматчилари тўғри англаб, ўз ишларига катта масъуляти билан ёндашади.

— Қаерда қатъий интизом бўлса, ўша ерда иқтисодий кўрсаткичлар яхши бўлади, — дейди корхона бош иқтисодчиси Элёр Усмонов. — Узоққа бормайлик, шу йилнинг кузигача 101 миллиард 286,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳамкорларимизга режадаги 27 минг 500 тонна ўрнига 28 минг 741 тонна сифатли ун етказиб берилди. Корхонамиз бундан қарийиб 7,5 миллиард сўм соф фойда кўрди. Жорий йилнинг охиригача 10 миллиард соф фойда олиш ниятидამиз.

— Корхонамиз 1963 йилда лойиҳалаштириш институти лойиҳаси асосида қурилган, — дейди жамият бошқаруви раиси Ориф Ражабов корхонанинг иш фаолияти билан бизни таништира экан. — У дастлаб 240 тонна бугдойни қайта ишлашга мўлжалланган эди. Бугунги кунда иш кўрсаткичимиз анча ошган. Энг муҳими, ўтган даврда корхона модернизация қилиш, янги тех-



нология ўрнатиш борасида катта ўзгаришлар қилинди. Туркиядан замонавий услубда ишлаб чиқарилган тегирмон келтирилгач, ишимизнинг самарадорлиги янада ошди. Илгари кунига 80-100 тонна бугдойни қайта ишлаган бўлсак, энди корхонамизда ҳар куни 200 тонна бугдой қайта ишланмоқда.

Украинадан келтирилган омухта ем ишлаб чиқариш ускунаси ҳам ишимизни анча енгиллатмоқда. Корхонамиз кунига 100 тонна омухта ем ишлаб чиқармоқда. Германиядан келтирилган тегирмон ёрдамида эса кунига 160 тонна бугдой, арпа дони қайта ишланиб, мижозларга етказиб берилмоқда.

— Бизнинг чўл зонасида жойлашган Нуробод туманида фалла етиштирилса-да, бугдойни қайта ишлаб нон ишлаб чиқарадиган корхона йўқ, — дейди "Нуробод нон" МЧЖ бошлиги Жаҳонгир Солиев. — Биз корхонанинг доимий ҳамкоримиз. Бу ерда тайёрланаётган ундан пиширилган нон маҳсулотлари бугун туманимиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Яқинда Германиядан нон ёпиш печини келтирдик. Ҳозирги кунда кунига 3 тоннадан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз.

— Бизнинг корхона ҳам "Самарқанд дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятининг асосий ҳамкори, — дейди "Афро-

сиёб ширин нон маҳсулотлари" МЧЖ бошлиги Улуғбек Узоқов. — Ҳар куни 6-7 тонна нон, ҳар хил ширинликлар ишлаб чиқариб, Самарқанд шаҳри аҳолиси дастурхонига етказиб берамиз. Ишимизнинг уңими-ю, маҳсулотларимизнинг харидорлиги ҳамкоримиздан сифатли унни ўз вақтида олаётганимизда, деб ўйлайман. Фаолиятимиз бир-бирига боғлиқ, албатта. Мижозларимизнинг кўпчилиги учун ҳамкоримиздан миннатдоримиз.

— "Сиёб" бозорида нон расталари доим гавжум, — дейди нон растасида савдо қиладиган Умида Олтибоева. — Ҳар куни бу ерга юзлаб шахримизга келган меҳмонлар, чет элдан келган сайёҳлар келишади. Самарқанд нонлари ҳамisha харидоргир. Ҳар бир нонвой "Самарқанд дон маҳсулотлари" корхонасидан миннатдор. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, агар уннинг сифати яхши бўлмаса, нонвой қанчалик маҳорат билан нон тайёрламасин, у ёпган нон мижозлар талабига жавоб бермайди. Ҳамма гап ун ишлаб чиқарувчининг ҳалол меҳнатида, у ерда виждонан ишлаётган ишчиларнинг диёнатиде деб ўйлайман.

Нон — кўп инсонларнинг ҳалол меҳнати меваси. Нон — инсон учун сув билан ҳаводек азиз неъмат! Ёзганларимиз Самарқанднинг буюк мўъжизаси ҳақида бир лавҳа, холос. Самарқанд нонининг дунёга келиши ҳақида ёзиш, бу меҳнатни таърифлаш учун сўзлар ожизлик қиладди. Яхшиси, Самарқандга йўлингиз тушса, "Сиёб" бозорини, айнақса, қуёшдек қайноқ нон иси уфуриб турган нон расталарини яна бир айланинг. Самарқанд нонларидан тотиб кўрганда эса, биз каби "Самарқанд дон маҳсулотлари" корхонаси ишига ривож тилашни унутманг. Зеро, Самарқанд нонларининг шухрати ҳам элнинг дунёсидан бўлса, не ажаб.

Азим ҚОДИРОВ,
журналист

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Адвокатлар палатаси Бухоро вилоят худудий бошқармаси хузуридаги маляка комиссиясининг 2021 йил 19 августдаги 16-сонли қарори ва Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 23 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 29 октябрдаги буйруғига асосан "Aziz Bahronovich" адвокатлик бюросининг адвокати Ширинов Азизжон Бахронови-нининг (лицензия 25.12.2018, ВН №0010105, адвокатлик гувоҳнома-си №105, 25.12.2018 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Анджон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 23 октябрдаги буйруғига асосан Анджон шаҳридаги "Анджон" адвокатлар ҳайъати адвокати Абдураҳимов Шавкатбек Нематовичга 2018 йил 19 декабрда берилган AN 000054 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми аризасига кўра тўхтатилди.

Қарши туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 19 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 1 ноябрдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "SHERZOD XALILOV HIMOYASI" адвокатлик бюроси адвокати Халилов Шерзод Шералие-

вичга 2020 йил 18 сентябрда берилган KS 000218-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 3 ой муддатга, яъни 2021 йилнинг 19 октябр кунидан 2022 йилнинг 19 январь кунига қадар тўхтатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 1 ноябрь куни Яккабоғ тумани "Куч адолатда" адвокатлик бюроси адвокати Джумаев Убайдулла Исмоиловичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000050-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фуркат Шомировович
Исхандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
кўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Ёрбек Исхандаров
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уюнда чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навойи кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000
Буюртма — V-4920

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 00:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

Давоми. Бошланиши 1-бетда



БЕЛАРУСЬ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Беларусь Республикаси Хуқуқий ахборот миллий маркази фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, марказ хуқуқий ахборотдан фойдаланиш тизимининг ривожланишини таъминлайди. Бу борада барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунингдек, хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан кенг фойдаланиш учун замонавий технологиялар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқади ва оммалаштиради. Хуқуқий ахборот тизимларига кириш ва улар билан ишлаш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланишда услубий ёрдам кўрсатади.

Беларусь Республикаси Хуқуқий ахборот миллий маркази давлат хуқуқий ахборот тизимининг ишлаши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида давлатнинг ахборот-хуқуқий ресурсларини шакллантириш ва юритишни, хуқуқий ахборотни тўллаш, ҳисобга олиш, қайта ишлаш, сақлаш, тизимлаштириш ва янгиланиш, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг расмий нашрларини чоп этишни, давлатлараро хуқуқий ахборотни тарқатиш ва тақдим этишни, хуқуқий ахборотлаштириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш каби муҳим вазифа ва функцияларни ҳам амалга оширади.

Хуқуқий ахборот ресурслари, банк маълумотлари, қидирув ва автоматлаштирилган тизимлар ягона тизимга бириктирилган бўлиб, улар Беларусь Хуқуқий ахборот миллий марказини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан боғлайди. Марказда нафақат хуқуқшунослар, балки ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган иқтисодчилар, филологлар, дастурчилар, илмий ходимлар ва бошқа мутахассислар ҳам фаолият юритади. Марказ томонидан "Pravo.by" Беларусь Республикаси миллий хуқуқий интернет-портали, "ЭТАЛОН" ва "ЭТАЛОН-ONLINE" ахборот-қидирув тизимлари юритилади.

Беларусь Хуқуқий ахборот миллий маркази нафақат мамлакат пойтахтида, балки минтақавий даражада давлат хуқуқий ахборот тизимини бошқаради. Барча вилоят марказлари ва Минск шаҳрида ташкил этилган 7 та хуқуқий ахборот худудий марказлари хуқуқий ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг минтақавий ижрочиларига айланган.

Минскдаги 101 та давлат ташкилотининг барча хуқуқий ҳужжатлари "ЭТАЛОН" электрон хуқуқий ахборот базасига киритилади.

Мазкур тизим орқали ташкилотлар ўзларига керакли бўлган барча ҳужжатлардан мазкур сайт орқали фойдаланишлари мумкин.

Ушбу худудий марказлар тегишли худудда аҳолига, барча давлат органлари ва ташкилотларига хуқуқий ахборотни электрон ва босма шаклда тарқатади. Худудий марказлар Хуқуқий ахборот миллий маркази томонидан яратилган ва тарқатилган ахборот-хуқуқий ресурслар билан ишлашда давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахсларга услубий ёрдам кўрсатади.

Худудий марказлар фаолиятининг аҳамиятли томони шундаки, улар юридик ва жисмоний шахсларга шартномавий-хуқуқий хизмат кўрсатиш эвазига тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатади. Ушбу марказлар учун давлат томонидан маблағ ажратилмайди.

Худудий марказлар хуқуқий ахборот жамоат марказлари тармогини ташкил қилади. Бундай жамоат марказлари мамлакат бўйлаб 700 га яқин кутубхоналар негизда ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифаси аҳолининг барча қатламлари учун хуқуқий ахборотдан эркин ва бепул фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон делегацияси Беларусь Хуқуқий ахборот миллий маркази томонидан 28-29 октябрь кунлари Минск шаҳрида ўт-



казилган "Ахборот технологиялари ва ҳуқуқ" (Хуқуқий ахборотлаштириш — 2021) VII Халқаро илмий-амалий конференциясида ҳам қатнашди.

Ушбу конференцияда Хитой, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Озарбайжон каби давлатларнинг хуқуқий ахборотни инновацион шаклда тарқатиш ва етказишга масъул бўлган мутахассислардан иборат делегация вакиллари иштирок этишди.

Конференцияда кўлаб мамлакатларнинг хуқуқий ахборот тизими, хуқуқий ахборот тарқатишда ахборот технологияларидан илгор фойдаланиш тажрибаси ўрганилди. Конференцияда Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам фаол иштирок этишди. "Адолат" миллий хуқуқий ахборот маркази директори ўринбосари Шерзод Бахронов "Хуқуқий ахборот билан таъминлашни замонавий усуллари: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида маъруза қилди.

Хуқуқий ахборотлаштириш соҳасида ноёб тизимга эга бўлган Беларусь Республикасининг ижобий тажрибаси асосида юртимизда ҳам хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан барчанинг эркин фойдаланишини таъминлаш борасида муҳим тақлифлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси — Lex.uz негизида ички идоравий ҳужжатлар учун ягона электрон базани яратиш, ушбу базага дастлаб Адлия вазирлиги тизимининг ички идоравий ҳужжатларини joyлаштириш, кейинчалик бошқа давлат идоралари ва ташкилотларининг барча ҳужжатларини шартнома асосида joyлаштириш бўйича тегишли ишлар бошланди. Мазкур тизим жорий этилганда барча идоралар ўзларининг хуқуқий ва бошқа ҳужжатларини joyлаштириш ҳамда бошқа шахсларнинг улардан эркин фойдаланиш имконияти яратилади.

Тимур ДАУРОВ,
"Адолат" миллий хуқуқий ахборот
маркази масъул ходими

ХАЁТ бешиқдан бошланади, Ватан ҳам. Бешиқ — оила. Оила мустақкам бўлса, жамият мустақкам бўлади, оила тинчлиги — жамият тинчлиги дегани. Оила ободлиги — юрт ободлигидир аслида. Фарзандлар қандай одам бўлиб воёга етиши биринчи навбатда оилага боғлиқ. Ҳар бир киши ўз оиласи олдида масъул. Бу масъулиятни ҳис қилиш билан биз Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни адо этган бўлаемиз.



Тарихга назар ташласак, ота-болаларимиз оилага жуда катта эътибор берганликларининг хошиди бўлаемиз. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий сингари буюк алломаларимизнинг асарларида ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-онанинг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида эътибор берилган.

Улар ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали насихатларини, ҳаётий хулосаларини ёзиб қолдирган. Ўтган асрнинг бошларида яшаган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби маърифатпарвар зиёлиларимиз ҳам комил фарзанд тарбиялашнинг ягона чораси — оила асосларини тўғри қуриш эканини, оилани мустақкамлашдан жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлаган.

Агар ота-болаларимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозалиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўраемиз. Бола тарбияси — бутун жамиятнинг иши, айна пайтда ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Бола оилада камол топади, боғчада, мактабда таълим-тарбия олади, маҳалла бағрида ўсиб-ўлғаяди. Бола оилада тўғри тарбия олса, мактабда намунали ўқувчига айланади, маҳаллада бошқаларга ибрат бўлади. Албатта, унда ўз-ўзиндан хуқуқий онг, хуқуқий маданият ҳам шаклланиб боради. Фарзандлари баркамол, ёшлари билимдон ва ватанпарвар бўлган давлат қудратли, халқ эса, кучли бўлади. Бугунги тезкор, шиддатли даврда миллат, халқ тақдирини моддий бойлик эмас, балки маънавий-маърифий бойлик ҳал қилаётганини кўриб турибмиз.

Бола тарбияси гул парваршидек нозик иш. Таълим-тарбия ҳақида сўз кетганда, миллатпарвар зиёли Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир", деган чуқур маъноли фикри ёдимизга тушавради. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўз даврида қанчалар муҳим бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ долзарб аҳамиятга эга.

Комил фарзандни тарбиялашда китобдан яхши тарбиячи бўлмаса керак. Инсон тарбиясининг, маънавиятининг шаклланишида, унинг камолотида ҳеч қачон китобнинг ўрнини бошқа нарса боса олмайди. Ҳар бир педагог ёш авлодга таълим-тарбия беришда китоблар хазинасидаги билимлардан фойдаланиб, педагогик фаолиятида ўзи-

ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ

ЎЗ ҚАДРИЯТИ БОР!

га хос тажриба орттиради, албатта. Дарс жараёнларида фойдаланиладиган манбалар қаторида тарихий асарлар билан бир қаторда, миллий қадриятларни акс эттирувчи халқ эртаклари, афсоналари, мақол ва маталларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Асрлар давомида бола тарбиясида ўғит ва насихатлар муҳим ўрин тутганини ҳаёт тажрибаси исботлаб турибди.

Болалигидан ёши улуглардан халқ эртаклари, мақоллару маталларни эшитиб ўлғайган ёшлар ҳаётда ҳам уларнинг жонли ибтиботига дуч келишади. Қорақалпоқ адабиётида ҳам тарихий, ҳам бадиий қимматга эга тарбиявий асарлар талайгина. Педагогик фаолиятининг давомида улардан унумли фойдаланиб келаемиз.

Қорақалпоқ халқининг минг йиллар оша яшаб келаётган қадриятлари бор. "Қуш қаноти билан, одам элати билан", "Кўп яшаган билмайди, кўп кўрган билади", "Яхши билан юрдим, етдим муродга, ёмон билан юрдим, қолдим уятга", "Меҳнатнинг йўли қаттиқ, нони тотли" каби мақоллар замирида ҳам қорақалпоқ халқининг асрий қадриятлари муҳассам.

Халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яшаб келаётган халқ қаҳрамонлари ҳақидаги кўп-кўп афсона-ю эртакларни биламиз. Уларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатаемиз.

"Яхши сўз жон озиги", дейди халқимиз. Қорақалпоқ халқининг буюк шоири ва адиби Бердқанининг бой тарихий ижоди, Қорақалпоқ халқининг фахри, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қайлибергеновнинг "Қорақалпоқнома", "Қорақалпоқ қизи", "Маманбий" афсонаси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг бетакдор асарларини ёшларимиз ўқиш улғайишмоқда.

Ҳар бир эл-улуснинг халқини халқ, миллатни миллат қиладиган ўз қадрияти бўлади. Қорақалпоқ халқининг тарихий қадриятлари узоқ асрларга бориб тақалади. Ёш авлодни улардан хабардор қилиш билан миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, келажак авлодга ҳам еткази оламиз. Ҳар бир педагог миллат фарзандига таълим берар экан, унинг тарбияси учун ҳам масъуллигини унутмаслиги керак.

Ўзлигини унутган миллат бўлмайди, илдиэлари бакуватт миллатнинг тарихини унутмаган, ундан ибрат олган фарзандлари эса, элу юртининг эртанги кунини учун масъул бўлади, албатта.

Азиза ТУРЕМУРАТОВА,
Қорақалпоқ давлат
университети ўқитувчиси